

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
«YOSH OLIMLAR TIBBIYOT JURNALI»

TASHKENT MEDICAL ACADEMY
«MEDICAL JOURNAL OF YOUNG SCIENTISTS»

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ
«МЕДИЦИНСКИЙ ЖУРНАЛ МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ»

IXTISOSLASHUVI: «TIBBIYOT SOHASI»

ISSN: 2181-3485

Mazkur hujjat Vazirlar Mahkamasining 2017 yil i5 sentabrdagi 728-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali to'g'risidagi nizomga muvofiq shakllantirilgan elektron hujjatning nusxasi hisoblanadi.

№ 8 (11), 2023

«Yosh olimlar tibbiyot jurnali» jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2023 yil 5 maydagi 337/6-son karori bilan tibbiyot fanlari buyicha dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan milliy ilmiy nashrlar ruyxatiga kiritilgan.

Решением Президиума Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан от 5 мая 2023 г. № 337/6 «Медицинский журнал молодых ученых» внесен в перечень национальных научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР

Шадманов Алишер Каюмович

ЗАМЕСТИТЕЛЬ ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА

Шайхова Гули Исламовна

ОТВЕТСТВЕННЫЙ СЕКРЕТАРЬ

Алимухамедов Дилшод Шавкатович

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

д.м.н., доцент Азизова Ф.Л.	профессор Нуриллаева Н.М.
профессор Азизова Ф.Х.	профессор Тешаев Ш.Ж.
профессор Аллаева М.Ж.	профессор Хайдаров Н.К.
профессор Камилов Х.П.	профессор Хакимов М.Ш.
профессор Каримжонов И.А.	профессор Хасанов У.С.
профессор Каримова М.Х.	д.м.н. Худойкулова Г.К.
профессор Набиева Д.А.	профессор Эрматов Н.Ж.
профессор Нажмутдинова Д.К.	профессор Маматкулов Б.М.

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Агишев И.А.	д.м.н. (Казахстан)	Парпиева Д.А.	д.м.н. (Ташкент)
Аглиулин Д.Р.	к.м.н. (Россия)	Рахимова Г.С.	д.м.н. (Ташкент)
Алейник В.А.	профессор (Андижан)	Рустамова М.Т.	д.м.н. (Ташкент)
Билолов Э.Н.	профессор (Ташкент)	Саломова Ф.И.	профессор (Ташкент)
Ганиев А.А.	д.м.н. (Ташкент)	Сидиков А.А.	д.м.н. (Фергана)
Инаков Ш.А.	PhD (Германия)	Собиров У.Ю.	профессор (Ташкент)
Искандарова Г.Т.	профессор (Ташкент)	Тажиева З.Б.	PhD (Ургенч)
Исраилов Р.	профессор (Ташкент)	Ташкенбаева У.А.	д.м.н. (Ташкент)
Кайнарбаева М.С.	к.м.н. (Казахстан)	Хасанова Д.А.	д.м.н. (Бухара)
Матназарова Г.С.	профессор (Ташкент)	Хасанова М.А.	д.м.н. (Ташкент)
Мирзоева М.Р.	д.м.н. (Бухара)	Хван О.И.	д.м.н. (Ташкент)
Мирмансур	PhD (Индия)	Хожиметов А.А.	профессор (Ташкент)
Муртазаев С.С.	д.м.н. (Ташкент)	Холматова Б.Т.	д.м.н. (Ташкент)
Орипов Ф.С.	д.м.н. (Самарканд)	Чон Хи Ким	PhD (Южная Корея)
Отамурадов Ф.А.	д.м.н. (Термез)	Юлдашев Б.С.	д.м.н. (Ургенч)
		Шадманов М.А.	PhD (Андижан)

Адрес редакции:

Ташкентская медицинская академия 100109, г.
Ташкент, Узбекистан, Алмазарский район, ул. Фараби 2,
тел.: +99878-150-7825, факс: +998 78 1507828,
электронная почта: mjys.tma@gmail.com

Шарипова Д.Ш., Камилова И.А. / Эффективность различных видов прогестеронотерапии при невынашивании беременности	71
--	-----------

ПРОФИЛАКТИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА (ГИГИЕНА, ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ)

Алматова У.А., Ньматова Н.Ў., Мустанов А.Ю. / Тошкент шаҳрида касалхона ичи ОИВ-инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари	79
--	-----------

Курбаниязова М.О., Мустанов А.Ю., Матназарова Г.С. / Контагиоз гельминтозларнинг эпидемиологик таҳлили (сурхондарё вилояти мисолида).....	83
--	-----------

Ortiqov B.B., Zokirxonova Sh.A., Ochilov J.T., Alimova F.U., Turabova Sh.Sh. / COVID-19 bilan xastalangan bemorlar kunlik rasioni tarkibidagi mineral elementlarning tahlili ..	88
--	-----------

Хојиқуллова Д. Н., Тoшматова Г.А. / Shahar va qishloq sharoitida ta'lim olayotgan o'quvchilarni darslarni o'zlashtirishda mikroelementlarni ahamiyati (yod preparati misolida).....	92
--	-----------

Haqberdiyev H.R. / Aholi orasida allergik reaksiyalar keltirib chaqaruvchi zamburug'larga gigiyenik baho berish.....	96
---	-----------

Цой В.А., Абдуллаева Д.Г. / Диетотерапия при пищевой аллергии с учетом аллергенных свойств продуктов питания	102
---	------------

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ МЕДИЦИНА

Ishandzhanova S.Kh., Azizova F.Kh., Otazhanova A.N., Sobirova D.R. / Structural features of peyer's patches of female rats with experimental hypothyroidism	111
--	------------

Кудияров И.А., Ёдгорова Н.Т. / Сийдик йўли яллиғланиш касалликларига аниқланган ST.AUREUS нингантибиотикларга сезгирлигини ўрганиш	117
---	------------

Собирова Д.Р. / Изучение и оценка эмбриотоксического действия генно-модифицированного продукта	121
---	------------

Халилов Ш.М., Турсунов Х.З., Кариев С.С., Гайбуллаев А.А. / Патоморфологические изменения внутренних органов при экспериментальном уролитиазе, леченном литолитом.....	125
---	------------

Отамурадов А.З., Хасанова М.А., Алимухамедова М.П. / Тўш суягининг турли кисмларининг бирлашишини таҳлил қилиш орқали ёшни аниқлаш	134
---	------------

НАУЧНЫЕ ОБЗОРЫ

Авезова Г.С. / Болаларда геморагик васкулитнинг (Шенлейн Генох касаллиги) патогенези ва гемостаз тизимидаги ўзгаришлар.....	139
--	------------

Berkinov U.B., Sakhbayev D.P., Omonov J.Sh., Jurayeva M.M. / Ikki taraflama adrenalektomiya va uning gipercortitsizimdagi roli	145
---	------------

ШАХСИ НОМАЪЛУМ МУРДА ТЕКШИРУВИДА ТЎШ СУЯГИНИ ЎРГАНИШ ОРҚАЛИ ЁШНИ АНИҚЛАШ

Отамурадов Акрам Закирович

Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент шаҳар филиали

Хасанова Мухаррама Алмаредановна

Алимухамедов Дилшод Шавкатович

Тошкент тиббиёт академияси. Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация. Ушбу мақолада шахси номаълум бўлган мурдалар текширувида олинган тўш суягининг ёшга боғлиқ ўзгаришлари ва шаклланиш жараёнидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлишини ҳисобга олиб, суякнинг турли ривожланиш босқичларида унинг тузилиши, ёшга боғлиқ хусусиятлари ўрганилган. Скелет суяклари ўсиши жараёнидаги ўзгаришлар генетик, атроф-муҳит ва маданий омилларнинг мураккаб ўзаро таъсири натижасида содир бўлиши ва бошқача қилиб айтганда, скелет суякларидаги ўзгаришларига асосланган маълумотлар учун ягона бўлган стандартни шакллантириши мумкин эмас. Бунга сабаб, ирқий, географик жойлашув, жинси, овқатланиш одатлари, овқатланиш ҳолати, юқумли касалликлар, жисмоний фаоллик, гормонал ва метаболит касалликларга қараб, шунингдек суякланиш ва суякларнинг ривожланиш жараёнида сезиларли фарқлар мавжуд бўлишидир. Номаълум мурдалардан ва парчаланган тана қисмларидан, шунингдек скелетланган суяк қолдиқларидан олинган намуналар яъни суяклар, жинс, ёш ва бўй - бу шахснинг шахсиятини аниқлашда жуда муҳим мезонлар ҳисобланади.

Калит сўзлар: тўш суяги, суякнинг ёшга боғлиқ ўзагравчанлиги, анатомик таҳлил, суяк ёши, идентификация.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВОЗРАСТА ПУТЕМ ИССЛЕДОВАНИЯ ГРУДИНЫ НЕОПОЗНАННОГО ТРУПА

Отамурадов Акрам Закирович

Ташкентский городской филиал Республиканского научно-практического центра судебно-медицинской экспертизы

Хасанова Мухаррама Алмаредановна

Алимухамедов Дилшод Шавкатович

Ташкентская медицинская академия. Ташкент, Узбекистан

Аннотация. В данной статье с учетом возрастных изменений и изменений в процессе формирования кости грудины, полученных при исследовании неопознанных трупов, изучены ее строение и возрастные особенности на разных стадиях развития кости. Изменения в процессе роста костей скелета происходят в результате сложного взаимодействия генетических, средовых и культурных факторов, иными словами, невозможно сформировать единый стандарт информации, основанный на изменениях в костях скелета. Это связано с тем, что существуют значительные различия в оссификации и развитии костей в зависимости от расы, географического положения, пола, пищевых привычек, статуса питания, инфекционных заболеваний, физической активности, гормональных и метаболических нарушений. Образцы неопознанных трупов и расчлененных частей тела, а также скелетные останки, такие как кости, пол, возраст и рост, являются очень важными критериями при установлении личности человека.

Ключевые слова: грудина, возрастные изменения костей, анатомический анализ, костный возраст, идентификация.

DETERMINING AGE BY EXAMINING THE STERNUM OF AN UNIDENTIFIED CORPSE

Otamuradov Akram Zakirovich,

Tashkent city branch of the Republican Scientific and Practical Center for Forensic Medical Examination

Khasanova Muharrama Almaredanovna

Alimukhamedov Dilshod Shavkatovich

Tashkent medical academy. Tashkent, Uzbekistan

Abstract. *In this article, taking into account age-related changes and changes in the process of bone formation of the sternum, obtained from the study of unidentified corpses, its structure and age-related characteristics at different stages of bone development are studied. Changes in the growth process of skeletal bones occur as a result of a complex interaction of genetic, environmental and cultural factors, in other words, it is impossible to formulate a single standard of information based on changes in skeletal bones. This is because there are significant differences in bone ossification and development depending on race, geographic location, gender, dietary habits, nutritional status, infectious diseases, physical activity, hormonal and metabolic disorders. Samples of unidentified corpses and dismembered body parts, as well as skeletal remains such as bones, gender, age and height, are very important criteria in identifying a person.*

Key words: *sternum, age-related changes in bones, anatomical analysis, bone age, identification.*

Мавзунинг долзарблиги: Айни пайтда, бедарак йўқолган фуқороларни, номаълум мурдаларни ва ва топилган склет суяк қолдиқларидан ёшани аниқлаш суд-тиббиётда ва экспертиза масалаларида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда, чунки қуролли тўқнашувлар, терактлар, табиий офатлар, техноген офатлар, жинойий қотилликлар сони юқори даражада қолмоқда. Номаълум мурдаларнинг ва топилган склет суяк қолдиқларидан ёшани аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб боришда қарийиб бир асрлик тажрибага қарамай, ҳозиргача ўрганилмаган бир қанча муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар мавжуд. Ҳозирги вақтда ташқи параметрларни баҳолашнинг макроскопик ва морфологик усуллари етарли даражада аниқликка эга эмас. Баъзи усуллар бироз катта, бошқалари эса ёшни аниқлашда бироз кичикроқ ҳатоликларга эгадир. Бу эса инсоннинг биологик ёшани аниқроқ аниқлаш учун суд тиббиётида қўлланиладиган усулларни кўпайтириш ва янги тадқиқот усуллари янада ривожлантириш долзарблигини кўрсатади. Айни пайтда шахс айнанлигини аниқлаш бўйича тўш суягини суд тиббий экспертизасини такомиллаштиришни ўрганиш нафақат суд

тиббиёти, балки тиббиётнинг бошқа соҳалари мутахассислари учун муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Шахси номаълум бўлган мурдалар текширувида тўш суяқларини ўрганиш ва айрим хусусиятларини таҳлил қилиш орқали ёшни аниқлаш.

Материали ва усуллари. Бедарак йўқолган фуқороларни, шахси номаълум мурдаларни ва топилган склет суяк қолдиқлари текшириш орқали, уларнинг ёшани аниқлаш усулини излаш ўтган асрда антропологлар ва суд тиббий экспертлар томонидан бошланган. Суд тиббиёти ва антропологияда энг кўп қўлланиладиган усуллар терининг, тўқималарнинг, суяқларнинг ёки ички органларнинг функционал ҳолатининг кўрсаткичларини кўрсатиш орқали турли морфологик, ёшга боғлиқ ўзгаришларни визуал аниқлашга асосланган. Шахси номаълум бўлган мурдаларни шахсини айнанлигини ўрганиш учун асосан остеоскопик, остеометрик ва рентгенографик текширувлар ўтказилади. тўш суяқларда кузатиладиган анатомик ва анатомоморфологик ўзгаришлари, суяк ёшани баҳолаш мезонлари, таққослаш, мантикий ҳамда статистик таҳлил усулларидан фой-

даланилган. Текширув материаллари бўлиб, РСТЭИАМ Тошкент шаҳар филиали тиббий криминалистлар томонидан 2015-2021 йиллар давомида текширувдан ўтказилган тўш суяклари ҳисобланади. Инсон тўш суягининг шаклланиш жараёнида кечувчи турли хил ўзгаришларга учраши, ҳамда уларни ҳисобга олган ҳолда тўш суягининг ёшга нисбатан ривожланиш босқичлари таҳлил қилиниб ўрганилди. Ушбу тадқиқот одамнинг ёшини скелет қолдиқларидан бири, яъни юзаки суяклардан бири бўлган ва ҳатто қаттиқ парчаланган танада сақланиб қолган тўш суяги орқали аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, бу одатий номаълум мурдаларни текши-

руви жараёнида ортикча шикастланмасдан мурдалардан осонгина олинган суяклардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг натижалари. Умумий тадқиқот давомида Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази ва Тошкент шаҳар филиали криминалистлари томонидан 2015-2021 йилларда шахси номаълум мурдалардан олинган 898 та зрак ва 213 та аёлларга тегишли бўлган тўш суяклари таҳлил қилиб ўрганилди. Номаълум мурдалардан олинган парчаланиб синган суяклар ва деформацияланган суяклар тадқиқот таҳлилларидан чиқарилди. (1-жадвалга қаралсин)

1-жадвал.

Номаълум мурдалардан олинган тўш суягини ёш бўйича таҳлили

№	Ёши	Сони
1	10-19 ёш	9 та
2	20-29 ёш	46 та
3	30-39 ёш	156 та
4	40-49 ёш	285 та
5	50-59 ёш	363 та
6	60 ёшдан юқори	252 та

Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази ва Тошкент шаҳар филиали криминалистлари томонидан 2015-2021 йилларда номаълум мурдалардан олинган 1111 та тўш суяги текширувлари таҳлил қилинди ва ёш бўйича сони фоизларда кўрсатиб ўтилди. Ушбу тадқиқотда энг кичиги 10 ёшдан, энг каттаси эса 60 ёшдан юқори бўлган мурдалардан олинган тўш суяклари текширув натижалари таҳлил қилинди. Шахси номаълум бўлган тахминий ёши 10-19 ёш бўлган мурдалардан олинган тўш суяги 9 та, 0,81 % ни ташкил қилади. Шахси номаълум бўлган тахминий ёши 20-29 ёш бўлган мурдалардан олинган тўш суяги 46 та, 4,1% ни ташкил қилади. Шахси номаълум бўлган тахминий ёши 30-39 ёш бўлган мурдалардан олинган тўш суяги 156 та 14 % ни ташкил қилади. Шахси номаълум бўлган тахминий ёши 40-49 ёш

бўлган мурдалардан олинган тўш суяги 285 та 25,65% ни ташкил қилади. Шахси номаълум бўлган тахминий ёши 50-59 ёш бўлган мурдалардан олинган тўш суяги 363 та 32,67 % ни ташкил қилади. Шахси номаълум бўлган тахминий ёши 60 ёшдан юқори бўлган мурдалардан олинган тўш суяги 252 та 22,68% ни ташкил қилади.

Таҳлил учун ишлатилган остеометрик параметрлар ва марфологик хусусиятлар:

1. Тананинг сегментлари ўртасида
2. Тўш суяги дастаси ва танаси ўртасида
3. Ханжарсимон ўсиғи ва тана ўртасида

Номаълум мурдалардан олинган тўш суягининг ёш бўйича йиғилган маълумотлари қўйидаги 2 жадвалга киритилган.

№	Йиллар	Сони
1	10-19 ёш	9 та
2	20-29 ёш	46 та
3	30-39 ёш	156 та
4	40-49 ёш	285 та
5	50-59 ёш	363 та
6	60 ёшдан юқори	252 та

Шахси номаълум бўлган мурдалар текширувида олинган тўш суяқларини ривожланиш жараёнидаги хусусиятларини ўрганиб ва таҳлил қилиниб қўйидаги ёш бўйича босқичларга бўлинди.

Тўш суяги ясси суяк-тоғай тўқимасидан иборат бўлиб, фронтал юзада жойлашади, ҳамда дастак, тана ва ханжарсимон ўсиқдан иборат бўлган, оч жигаррангли бўлади.

10-19 ёш. Тўш суяги ясси суяк-тоғай тўқимасидан иборат бўлиб, фронтал юзада жойлашади, ҳамда дастак, тана ва ханжарсимон ўсиқдан иборат бўлган, оч жигаррангли бўлади. Тана қисмининг сегментлари оралиғида тоғайли қавати кўриниб туради. Бирлаштириш ядроларининг пайдо бўлиши, тана қисмининг сегментлари бирлашишида кузатилди. Дастак, тана ва ханжарсимон ўсиқлари оралиқлари тоғайли қатламдан иборат бўлади. Тўш суяги дастак қисмининг юқори бурчакларида ўмров суяги ва 1-чи қовурға бирлашиш юзалари майдончаси фарқланади; тана қисмининг 3-чи сегментида қовурғалар қўшилиш майдонлари фарқланади. Тўш суяги дастагидан бўйинтуруқ венаси бўртиғи шаклланган ва 2-чи қовурға бирлашиш юзаси юзага келади. Тўш суяги танаси сегментлари орасида кам аниқланадиган чегаралар бўлиши кузатилади.

20-29 ёшда. Тўш суягида танасини 1 ва 2-чи сегментлар оралиғидаги бирлашиш аниқланмайди. Тана қисмининг бўғимлар оралиғи баъзи қисмларида майда тишсимонлиги аниқланади. Дастак қисми пастки четлари майда тишсимон ўсиқлари пайдо бўлади, ханжарсимон ўсиғи танаси билан

бўғимлар аро тоғай тўқималарида суякланиш (синостоз) жараёнлари кузатилмайди, Қовурға уйиқлари четларида ўсиқлар аниқланмайди. Тана қисмининг қовурға уйиғи деярли нисбатан текис, 3-чи қовурға уйиғи чуқурлиги 8 ммдан 10 ммгача. Ҳамда тўш суяги дастаги тана қисми билан бирлашмаган, дастак қисмининг бўғим четлари бироз қаттиқлашган ва суякланиш жараёнида.

30-39 ёшда. Тўш суяги танасининг қовурға уйиқлари четларида экзостозлар борлиги кузатилади, дастак қисмининг пастки четида ва тана қисмининг ён четларида майда тишсимон ўсиқлар аниқланади, ханжарсимон ўсиғи танаси билан бўғимлар аро тоғай тўқималарида суякланиш (синостоз) жараёнлари ҳам кузатилади, тўш суягининг юзаси нотекис, пўстлоқсимон. Бирлашиш излари барча сегментлар оралиғида (қовурға уйиқлари оралиғи, тирқишлар, чуқурликлар) аниқланади.

40-49 ёшда. Тўш суягида дастак ва тана қисми оралиқлари суякланиш (синостоз) жараёнида бўлади, ханжарсимон ўсиғи тана қисми билан бирлашиб кетган ёки суякланиш (синостоз) жараёнида бўлади, тўш юзаси нотекис, баъзи қисмларида бўртиқлар ҳосил қилади, қовурға уйиқлари қирраларида суяк ўсиқлари мавжуд бўлади. Тўш суяги тана қисми сегментлари орасидаги бирлашиш излари йўқолган.

50-59 ёшда. Тўш суяги дастак қисми тана ва ханжарсимон ўсиқ билан бирлашиб кетган, айрим ҳолатларда дастак қисми тана қисми билан суякланиш (синостоз) жараёнида бўлади, тўш суяги юзаси нотекис,

баъзи жойларида бўртикли бўлади, коворға кесимларида суяк ўсиқлари аниқланади.

60 ва ундан юқори ёшда. Тўш суягидастак тана қисми ва ханжарсимон ўсиғи билан тўлиқ бирлашиб кетган (синостоз), тўш юзаси нотекис, баъзи қисмларида бўртикли, тана қисмининг бўғим четларида канотсимон ўсиқларга эга, ҳамда баъзи қисмларида ўчоқли компакт пластинанинг емирилиш белгилари аниқланади.

Текширув самарадорлиги : Скелет суякларидаги ўзгаришлар ёшни баҳолашнинг энг муҳим мезони бўлиб, суякнинг ёшга қараб ўзгаришини ўрганиш тиббий-хукукий ишда ишончли ва вақт синовидан ўтган усул ҳисобланади. Шахс номаълум бўлган мурдаларни ёшини аниқлаш, экспертизани ўтқиш сифатини оширади ва экспертиза олдига ҳал қилиш учун қўйилган саволларни ечишда суд тиббий экспертларнинг ишини оптималлаштиришда қўл келади. Ушбу тадқиқот одамнинг ёшини скелет қолдиқларидан бири, яъни юзаки суяклардан бири бўлган ва ҳатто қаттиқ парчаланган танада ҳам сақланиб қолган тўш суяги орқали аниқлашга жиддий уриниш ҳисобланади. Бундан ташқари, бу одатий номаълум мурдаларни текшириш жараёнида мурда танасига ортиқча шикаст етказмасдан осонгина олиндиغان суяқдир. Шундай қилиб, ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда, тўш суягининг ёшга боғлиқ хусусиятлари ўрганиш ёшни аниқлаш бирлиги сифатида танланди. Тўш суягининг айрим белгиларига асосланиб ёшни аниқлаш учун таклиф этилаётган ушбу услуб суд тиббий криминалистика амалиётида қўшимча услуб сифатида экспертиза учун бир дона туш суяги тақдим этилган ҳолатларда экспертиза олдига ҳал қилиш учун қўйилган вазифани ечишда, ҳамда суд – тиббиёти экспертизаларининг самарадорлиги ошишига имкон беради.

Хулоса. Номаълум эркак ва аёл мурдаларидан олинган тўш суякларининг суякланиш жараёнини ўзига хос хусусиятларини, ўлчамлари ва шакли, бирлашиш юзаларини характери, коворға уйиқчалари ва тўш суягининг айрим белгиларига асосланган ҳолда, шунга айтишимиз мумкинки, номаълум мурдалар, бўлакланган мурдалар ва

суяк қолдиқлари ҳолатларида олинган бир дона туш суяги тақдим этилганда, ёшни аниқлаш ҳолатларида, экспертиза олдига ҳал қилиш учун қўйилган вазифани ечишда, ҳамда жиноий ва фуқаролик ишларини олиб бориш жараёнида тезкор қидирув, суд ва прокуратура ходимлари иш жараёнида юзага келадиган қўплаб масалаларни ҳал этишда шахс айнанлигини аниқлаш экспертизасинининг ўтқазилишида адолатни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ушбу тадқиқот натижалари шунга кўрсатадики, тўш суяги инсон ёшини баҳолаш учун энг яхши воситалардан бири бўлиб ҳисобланаши ўз исботини топди.

Адабиётлар.

1. Абрамов, С.С. Медико-криминалистическая идентификация// Настольная книга судебно-медицинского эксперта.-М.: Норма-Инфра, 2000. - 465 с.
2. Пиголкин Ю. И. «Определение возраста человека по костной ткани». // Судебно-медицинская экспертиза- 2012. - Т. 55. № 1. - С. 49-52.
3. Малыха В.А., Эделев Н.С., Тучик Е.С. Судебно-медицинские критерии определения возраста по щитовидному хрящу при идентификации личности детей.// Вестник судебной медицины. - Новосибирск, 2019. - №1. - С. 20-23.
4. Потеряйкин Е.С., Авдеев А.И. Судебно-медицинское значение особенностей строения костной ткани при выраженных дистрофических изменениях костного органа //Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. - Хабаровск, 2021. - №20. - С. 120-121.
5. Полетаева М.П., Гельгульдиев Г.Г. Последовательность окостенения хрящей гортани человека // Избранные вопросы судебно-медицинской экспертизы. - Хабаровск, 2021. - №20. - С. 117-120.
6. Чертовских А.А., Тучик Е.С. Возрастные изменения суставной впадины лопатки //Судебно-медицинская экспертиза. - М., 2019.- №2.- С. 31-33.
7. Звягин В.Н., Анушкина Е.С. Определение возраста детей по фрагментам свода черепа с использованием современных методов исследования// Судебно-меди-

цинская экспертиза. - М., 2018.- №6. - С. 13-16.

8. Григорьева М.А. Определение варианта массивности скелета и вероятного типа телосложения при идентификации личности по костным останкам// Судебно-медицинская экспертиза. 2001. - № 4. - С.22-28.

9. Григорьева М.А. Применение дискриминантного анализа в оценке соматотипа человека по длинным костям конечностей //Судебно-медицинская экспертиза. 2004. - № 1. - С. 28-31.

10. Звягин В.Н., Галицкая О.И. и др. Краниометрическая диагностика массивности скелета и соматотипа //Судебно-медицинская экспертиза. 2002. - № 5. - С. 7-12.

11. Синельников Р.Д., Синельников Я.Р. «Атлас анатомии человека». М.: Медицина, 1996. - Т. 1. - 343 с.

12. Томилин. В.В и др. Медико-криминалистическая идентификация// -Москва, 2000 – 234 С.

13. Титаренко, Е. Н. Возраст человека как идентификационный признак. Методы его диагностики по данным литературы // Е. Н. Титаренко, И. В. Власюк // Медицинская экспертиза и право. - 2014. - № 3. - С. 4-8.

14. Пашкова В.И., Резников Б.Д. «Судебно-медицинское отождествление личности по костным останкам». Саратов, 1978. - 320 б.

15. Лаптев З. Л. «Определение возраста по грудице». — В кн.: «Физико-технические методы в судебной медицине». М. — Ставрополь, 1972.